

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «АЛОҚАБАНК» КУЗАТУВ КЕНГАШИ ЙИҒИЛИШИНING БАЁННОМАСИДАН КЎЧИРМА

АТ «Алоқабанк» Кузатув кенгашининг йиғилиши 2023 йил 31 январь куни, соат 09:00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 4-уй манзилида жойлашган АТ «Алоқабанк» биносининг мажлислар залида ўтказилди.

Йиғилишга банк Кузатув кенгаши Раиси Ш.Шерматов раислик қилди.

Йиғилишда банк Кузатув кенгаши ва Бошқаруви аъзолари иштирок этди.

Йиғилишда қатнашаётган банк Кузатув кенгаши аъзолари сонини ҳисобга олган ҳолда, йиғилишни ўтказиш учун кворум борлиги тўғрисида маълумот берилди.

КУН ТАРТИБИ:

1. АТ “Алоқабанк” бошқарув тизимини такомиллаштириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги Фармони билан банк секторини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар, яъни:

- молия бозорида тенг рақобат шароитларини яратиш, кредитлашни фақат бозор шартлари асосида амалга ошириш, банкларнинг давлат ресурсларига қарамлигини пасайтириш, банк хизмати кўрсатишни модернизация қилиш;

- кредит портфели ва таваккалчиликларни бошқариш сифатини яхшилаш, кредитлаш ҳажмларининг мўътадил ўсишига амал қилиш, мувозанатлашган макроиқтисодий сиёсат юритиш, молиявий таваккалчиликларни баҳолаш учун технологик ечимларни татбиқ этиш орқали банк тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш каби вазифалар белгиланган.

Мазкур белгилаб берилган вазифа ва топшириқлар ижросини ўз вақтида таъминлаш мақсадида банкнинг штатлар жадвалига қўшимча равишда 1 та бирлик Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари лавозимини киритиш масаласи йиғилишда муҳокама қилинди.

Шунингдек, йиғилишда Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 59-моддасида, жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш масаласи акциядорлар умумий йиғилишининг

ASLIGA TO'G'RI

ваколатига кириши тўғрисида маълумот берилди.

Ушбу лавозимга Банк Бошқарувининг таклифига биноан тавсия этилган Қўқонбоев Умиджон Абдурахимовичнинг номзодини маъқуллаш масаласи йиғилишда кўриб чиқилди.

Шунингдек йиғилишда, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 30 июнда 3252-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Банк фаолиятига рухсат бериш тартиби ва шартлари тўғрисида”ги Низомда:

- банк бошқаруви аъзолари, шу жумладан раиси ва унинг ўринбосарлари ўз лавозимига киришишидан олдин Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишиб олинishi лозимлиги;

- номзодни келишиб олиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати бўйича масъул органнинг номзодни тайинлаш ёки сайлаш тўғрисидаги қарори қабул қилинган йиғилиш баёнидан кўчирма талаб этилиши кўрсатиб ўтилганлиги, шу билан бирга, Банк уставининг 6.39.10-бандида банкнинг раҳбарлик лавозимларига номзодларни банк Кузатув кенгашига тасдиқлаш учун киритиш вазифаси банк Бошқарувининг асосий вазифаларидан бири сифатида кўрсатиб ўтилганлиги тўғрисида айтиб ўтилди.

Мазкур масала банк Бошқарувининг 2023 йил 31 январдаги 40-сонли йиғилишида кўриб чиқилган ва тегишли қарор қабул қилинган.

Банк Кузатув кенгаши ушбу масала муҳокамасидан сўнг, Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

1. Банк Бошқаруви йиғилишининг 2023 йил 31 январдаги 40-сонли баёни маълумот учун қабул қилинсин.

2. Банкнинг штатлар жадвалига қўшимча равишда 1 та бирлик Бошқарув Раисининг биринчи ўринбосари лавозими киритилсин ҳамда ушбу лавозимга Қўқонбоев Умиджон Абдурахимовичнинг номзоди маъқуллансин.

3. АТ “Алоқабанк”нинг ташкилий тузилмасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан қонунчиликда белгиланган тартибда банк акциядорларининг умумий йиғилиши кун тартибига киритилсин.

4. Мазкур қарор ижроси бажарилишини назорат қилиш банк Бошқаруви (К.Ирисбекова) зиммасига юклатилсин.

Йиғилиш кун тартибидаги ушбу масала бўйича овоз бериш натижалари қуйидагича бўлди:
Ёқлаганлар – фоиз, Қаршилар – фоиз, Бетарафлар – фоиз.

2. АТ “Алоқабанк” Бошқаруви аъзосини тайинлаш тўғрисида

2020 йил 10 мартдаги банк акциядорлари умумий йиғилишининг 1-сонли баённомаси билан тасдиқланган АТ “Алоқабанк” Уставининг

6.33.16-бандида Бошқарув Раиси тақдимномаси асосида банк Бошқаруви аъзоларини тасдиқлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари бекор қилиш масаласи юзасидан қарор қабул қилиш банк Кузатув кенгаши ваколатига кириши белгилаб қўйилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Бошқарув Раисининг биринчи ўринбосари лавозимига тайинланган Қўқонбоев Умиджон Абдурахимовични Банк Бошқаруви аъзоси этиб тайинлаш масаласи йиғилишда муҳокама қилинди.

**Банк Кузатув кенгаши ушбу масала муҳокамасидан сўнг,
ҚАРОР ҚИЛДИ:**


1. АТ “Алоқабанк”нинг Бошқаруви аъзоси этиб, Қўқонбоев Умиджон Абдурахимовичнинг номзоди маъқуллансин.

2. АТ “Алоқабанк” Бошқаруви Раиси К.Ирисбекова Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 30 июнда 3252-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Банк фаолиятига рухсат бериш тартиби ва шартлари тўғрисида”ги Низомнинг 77-бандига мувофиқ, Қўқонбоев Умиджон Абдурахимовични банк Бошқаруви аъзоси сифатида лавозимга киришишидан олдин Марказий банк билан келишиб олинишини таъминласин.

3. Мазкур қарор ижросини таъминлаш банк Бошқаруви (К.Ирисбекова) зиммасига юклатилсин.

Йиғилиш кун тартибидаги ушбу масала бўйича овоз бериш натижалари қуйидагича бўлди:
Ўқлаганлар – фоиз, Қаршилар – фоиз, Бетарафлар – фоиз.

Кўчирма аслига тўғри
Бошқарув Раиси в.в.б



А.Қурбонов

Йиғилиш котиби

ASLIGA TO'G'RI

И.Ибрахимов